



2020 йил 17 декабрь № 03/28-3826

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурига

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурига Ўзбекистонда сув ресурсларини оқилона бошқариш борасида кўрсатиб келинаётган ёрдами учун ўз миннатдорчилигини билдириб, куйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Ушбу концепцияда 2020 йилда 90 та сув хўжалиги объектларида “Ақлли сув” қурилмаларини ўрнатиш белгиланган.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан, “Ақлли сув” қурилмаларига қўйиладиган техник талабларни ва қурилмалар ўрнатиладиган 50 та объектларнинг рўйхати ишлаб чиқилган эди. Ҳозирда қурилиш ишлари “Техник салоҳиятни мустаҳкамлаш” лойиҳаси кўмагида яқунланмоқда.

Ушбу қурилмалар сув ресурслари тақсимоти ва сув таъминоти мониторингини он-лайн олиб бориш, зарур ҳолда оператив қайта тақсимлаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига кўрсатаётган ёрдам учун самимий миннатдорчилик билдириб, келгусида ҳамкорликни янада самарали давом эттиришни кутиб қоламиз.

Вазир ўринбосари

В.Ахмаджонов